

томонидан режа ишлаб чиқилади ва Мудофаа вазирлиги Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармаси томонидан тасдиқланади.

6. Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш режаси ва йўналиш саволлари барча номзодларга ўтказиш манзили ва муддатлари кўрсатилган ҳолда индивидуал тарзда етказилади.

7. Номзодларга бериладиган саволлар республика олий таълим муассасалари ўқув дастурларининг 3-босқичи даражасига мос равишда ишлаб чиқилади.

Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш саволлари Ҳарбий институтнинг малакали мутахассислари томонидан тегишли мавзулар бўйича ҳар бир фан учун 25 тадан тузилади.

8. Фанлар бўйича якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш саволлари Ҳарбий институт илмий кенгаши томонидан муҳокама қилинади ва илмий кенгаш раиси томонидан далолатнома расмийлаштирилган ҳолда тасдиқланади.

Ҳарбий институт илмий кенгаши муҳокамасида соддалаштирилган (осонлаштирилган) ва ихтисослик бўйича касбга йўналтирилмаган фанлар бўйича саволлар олиб ташланади.

## **2-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни баҳолаш тартиби**

9. Номзодларга бериладиган саволлар қуйидагилардан иборат бўлади:

а) информатика ва дастурлаш асослари фани бўйича:

максимал балл – 3,5;

ўртача балл – 3,4;

қуйи балл – 3,3;

б) электроника ва схемотехника фани бўйича:

максимал балл – 3,5;

ўртача балл – 3,4;

қуйи балл – 3,3;

в) олий математика фани бўйича:

максимал балл – 3,3;

ўртача балл – 3,2;

қуйи балл – 3,1;

г) дунё ва жамият фани бўйича:

максимал балл – 3,2;

ўртача балл – 3,1;

қуйи балл – 3,0;

д) чет тилини билиши бўйича:

максимал балл – 3,2;

ўртача балл – 3,1;

қуйи балл – 3,0.

Бундан ташқари, олий математика, физика, информатика, дастурлаш ва спорт турлари бўйича халқаро танловларда (мусобақаларда): биринчи ўринни эгаллаганларга – 5,5 балл; иккинчи ўринни эгаллаганларга – 5,4 балл; учинчи ўринни эгаллаганларга – 5,3 балл;

чет тилини ўзлаштирганлиги даражаси бўйича белгиланган намунадаги гувоҳномаларга эга бўлганларга -5,5 балл қўшимча баллар қўшиб берилади.



10. Якка тартибдаги якуний суҳбат Ҳарбий институт ҳудудида ёки ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурларини қўллаган ҳолда масофадан туриб комиссия аъзолари иштирокида номзодларга тасдиқланган саволлар бериш йўли билан қуйидагича амалга оширилади:

1-савол – информатика ва дастурлаш асослари фани бўйича, саволга жавоб бериш вақти 5 дақиқагача;

2-савол – электроника ва схемотехника фани бўйича, саволга жавоб бериш вақти 5 дақиқагача;

3-савол – олий математика фани бўйича, саволга жавоб бериш вақти 3 дақиқагача;

4-савол – дунё ва жамият фани бўйича, саволга жавоб бериш муддати 3 дақиқагача;

5-савол – чет тили бўйича, саволга жавоб бериш муддати 3 дақиқагача.

11. Номзодлар берилган саволларга белгиланган муддатларда жавоб берадилар ва комиссия томонидан ҳар бир номзодга индивидуал равишда махсус варақларда жавоблар учун баҳолар қўйилади ва қабул комиссияси котибига топширилади.

### **3-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш тартиби**

12. Якка тартибдаги якуний суҳбатга номзодлар масофадан белгиланган вақтда масофадан сеансга киради ва фамилияси, исми, шарифи, таҳсил олаётган олий таълим муассасаси номини баён қилиб ўзини таништиради.

Ҳарбий институтга тақдим қилинган тегишли ҳужжатлар асосида ҳар бир номзод шахсига қабул комиссия томонидан аниқлик киритилади.

13. Ҳарбий институт ҳудудида ёки масофадан туриб якка тартибдаги якуний суҳбат барча номзодлар томонидан топширилгандан сўнг ҳар бир номзоднинг саволларга жавоб берган натижалари умумлаштирилади ва ўртача қийматлари чиқарилади ҳамда қўшимча берилган баллар билан якуний умумлаштирилади.

Номзодларнинг тўплаган умумий ўтиш баллари тенг бўлиб қолса, уларнинг орасидан республика олий таълим муассасида 3-босқичгача фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлганлари ҳамда информатика ва дастурлаш асослари, электроника ва схемотехника фанларидан юқори баллар олган номзодлар Ҳарбий институтга ўқишга кириш учун устунликка эга бўладилар.

14. Якка тартибдаги якуний суҳбатда иштирок этган номзодларнинг натижалари энг юқори балларни олганлиги бўйича комиссия аъзолари томонидан муҳокама қилиниб, номзодларнинг умумлаштирилган рейтинг натижалари жадвали ишлаб чиқилади, имзоланади ва тасдиқлаш учун қабул комиссияси раисига тақдим қилинади.

15. Мудофаа вазирлиги томонидан Ҳарбий институтга белгиланган курсантлар сони квотасига асосан номзодларнинг умумлаштирилган рейтинг натижалари жадвалидан энг юқори рейтинг баллига эга бўлган номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатни ижобий топширди деб ҳисобланади.

16. Комиссия аъзолари томонидан тасдиқланган номзодларнинг умумлаштирилган рейтинг натижалари жадвали (қўшимча равишда сертификатлар, гувоҳномалар ва б.)нинг нусхалари Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси Ҳарбий кадрларни тайёрлаш бошқармасига Ҳарбий институтга ўқишга қабул қилиш бўйича таклифлар билан бирга тақдим қилинади.